

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқлари

1. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

2. Қўйдагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкига солиқ солинмайди:

1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар.

2) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва катнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар.

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар.

Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

4) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахслар).

5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерлар (Солиқ солинадиган мол-мулкка эгалик қиладиган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв. м ҳажмида белгиланган).

6) I ва II гуруҳ ногиронлари.

Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки харбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган харбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари).

Ушбу белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади.

Мазкур имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари

2012 йилда жисмоний шахсларга тегишли уй-жой, квартира, дала ҳовли иморатлари, гаражлар, бошқа иморат ва иншоотлар учун олинадиган мол-мулк солиғининг умумий ставкаси 0,9 фоиз миқдорида белгиланди.

Шу билан бирга, республика шаҳарларида жойлашган турар-жойлар учун уларнинг умумий майдони 200 кв.м.дан 500 кв.м.гача бўлганда жами инвентаризация қийматига 1,1 фоиз, 500 кв.м.дан ошганда 1,35 фоиз миқдорида мол-мулк солиғи ставкалари белгиланди.

Шунингдек, жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8030,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.

Солиқ кодексининг 276-моддасига мувофиқ солиқ солиш объеклари жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилган ёхуд улар юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек *жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган* жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-313-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 160-моддасига қўшимча киритилди. Унга кўра, 2012 йил 1 февралдан бошлаб фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи объекти

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

- 1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 2) яқка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва поллизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек яқка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;
- 4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;
- 5) мерос бўйича, ҳады қилиниши ёки олинниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- 6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- 7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди, 7-бандда кўрсатилганлари бундан мустасно.

5. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан тасдиқланади.

2012 йил учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон қарорининг 19-иловаси билан тасдиқланиб, унда 2011 йилда амал қилган солиқ ставкалари 1,2 бараварга индексация қилинди.

Мазкур қарорнинг 19-илоvasи 7 ва 8-жадвалларда келтирилган ставкаларга ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ холда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1,20, туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15, бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

Ер участкаларигача бўлган масофа автомобиль йўллари бўйича шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб белгиланади. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қўлланилади.

Дехкон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида 8-жадвалда келтирилган ставкаларга, ер сифатига боғлиқ холда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75, 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0 ва 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Шаҳар ва кўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ 5 ва 6-жадвалларда тегишли зоналар учун келтирилган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган холда тўланади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Жамоавий ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ яқка тартибдаги уй-жой қуриладиган ерлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади

6. Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар.

3) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар.

4) I ва II гуруҳ ногиронлари.

Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда, квартирада ёки ётоқхонада бирга яшовчи пенсионерлар солиқ солиш мақсадида ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади.

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар.

Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир.

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар).

8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар, келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган пайдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар - уларга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича - ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Солиқ кодекси 282-моддаси иккинчи қисмининг солиқ солинмайдиган ер участкаларига тааллуқли қисмида назарда тутилган имтиёзлар ер солиғи тўловчилар бўлган жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади.

7. Мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-313-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 277 ва 294-моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, унга мувофиқ солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланди.